


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Юристар малакасини ошириш
маркази директори


_____ **А. Рахматов**

2021 йил 18 январь.

Туман (шахар) адлия бўлимлари ходимларининг
кредит-модуль тизими асосида малакасини ошириш курсининг
“ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ”
НОМЛИ

ТАНЛОВ МОДУЛЬ ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2021

СЎЗ БОШИ

Ўқув модулининг мақсади тингловчиларга давлат харидлари ва солиққа тортиш ҳақида қўшимча назарий билимлар бериш ҳамда касбий кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш ҳисбланади.

Ўқув модули туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва ходимларини хизмат фаолиятида давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг қўлланилиш соҳаси, солиқлар ва солиққа тортиш тартиблари бўйича қўшимча назарий билимларини мустақил таълим олиш йўли билан кенгайтириш ва ўзлаштирган назарий билимларини амалий машғулотларда мустаҳкамлашга замин яратади.

Мазкур ўқув модули “Туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларининг малакасини ошириш курси”нинг таркибини ташкил этади ва тингловчи томонидан ўқув курси бўйича малака ошириш жараёнида танлов асосида ўзлаштирилиши мумкин.

Марказ томонидан мазкур модуль дастурининг мавзулари бўйича ойда бир марта онлайн маъруза (вебинар) ташкил этилади.

Марказ веб-сайти орқали ҳар ойнинг охирида кейинги ой учун онлайн маъруза (вебинар) ўтказиладиган сана, вақти, мавзуси, маърузачининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозими кўрсатилган эълон берилади.

Онлайн маърузалар икки академик соатгача давом этиши мумкин.

Тингловчи томонидан белгиланган кредит бирлигини жамлаш учун тавсия этилган модуль дастурлари мавзуларини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида малака ошириш курси ҳар 12-ойининг 15 санасидан сўнг 10 кунлик муддатда тингловчиларни ўқув гуруҳларига тақсимлаган ҳолда онлайн оралиқ назорати қабул қилинади.

Оралиқ назорати натижасига кўра комиссия хулосаси асосида тингловчига баллар ҳисобида тегишли кредит бирликлари ажратилади ва бу ҳақда электрон рейтинг дафтарчасида қайд этиб борилади.

Оралиқ назоратидан ўтолмаган тингловчига 60 кун ичида малака оширишнинг тегишли йилига мўлжалланган модуль дастурларини ўзлаштириб, ушбу оралиқ назоратини қайта топширишга имкон берилади.

Ўқув курсининг учинчи йили якунида тингловчи томонидан 3 кредит бирлиги ҳажмига тенг баллар тўплагандан сўнг тингловчилардан якуний синов имтиҳони қабул қилинади. Сухбатдан ўтиш натижалари синов имтиҳони қайдномасида “синовдан ўтди” ёки “синовдан ўтмади” деб баҳоланади ҳамда комиссия раиси ва унинг аъзолари томонидан имзоланади.

Белгиланган микдордаги кредит бирликларини тўплай олмаган тингловчилар якуний синов имтиҳонига қўйилмайди.

Оралиқ назорати ва якуний синов имтиҳони Марказ директорининг буйруғи билан тузилган комиссия томонидан “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристарлар малакасини ошириш маркази тингловчиларининг билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низом” талаблари асосида қабул қилинади.

Изоҳ хати: Ўқув модули дастури Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 17 декабрдаги “Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 273-ум-сон буйруғи асосида ишлаб чиқилган.

ЎҚУВ МОДУЛИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ЎҚУВ ЮКЛАМАСИ ҲАЖМИ

Т/р	Мавзулар номи	Ўқув юкلامаси ҳажми (соат)	Машғулоти тури		Назорат шакли
			Масофавий оффлайн	Масофавий онлайн	
1	Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг қўлланилиш соҳаси	2	Ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш	Онлайн маъруза (вебинар)	Онлайн назорат (тест)
2	Солиқлар ва солиққа тортиш тартиблари	2	Ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш	Онлайн маъруза (вебинар)	Онлайн назорат (тест)
Жами			4		

ЎҚУВ МОДУЛИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНДИГАН КАСБИЙ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Умумий малака талаблари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги “Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий эти чора-тадбирлари тўғрисида”ги 544-сон қарорида белгиланган.

Касбий малака талаблари:

инсон ресурсларини бошқариш ва корпоратив бошқарув соҳасидаги қонунчиликни билиш;

менежмент ва корпоратив бошқарув соҳасидаги замонавий тенденцияларни, бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолай олиш кўникмаларига эга бўлиш;

аниқ вазиятлар таҳлилида муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилишнинг усулларини белгилай олиш ва кутилаётган натижаларни баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

раҳбар шахси ва раҳбарлик услубларини, жамоадаги психологик жараёнларни билиш;

тизимли таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, менежментнинг замонавий тамойиллари ва усуллари, корпоратив бошқарув тамойиллари ва механизмлари тўғрисида назарий билимларни эгаллаш;

бошқарув жараёнидаги муаммолар, вазиятлар таҳлили ва босқичлари ҳамда бошқарув қарорлари қабул қилиш ва амалга ошириш усулларини билиш;

шахснинг ўз ўзини бошқариш ва жамоага таъсир этиш услубларини билиш;

бошқарувни ташкил қилиш ва уни самарали амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

вазиятлар бўйича таҳлилий фикрлаш ҳамда стратегик режалаштириш, муаммоли вазиятларни аниқлай олиш, ходимлар ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлаш кўникмаларига эга бўлиш;

вазиятни объектив баҳолаш ва назорат қилиш, ўз мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалай олиш, жамоада уйғун муҳитни шакллантира олиш кўникмаларига эга бўлиш;

ташкilotчилик, шахсий ташаббускорлик, қарорлар қабул қилиш, музокаралар олиб бора олиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

ЎҚУВ МОДУЛИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

1-Мавзу. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг қўлланилиш соҳаси

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг қўлланилиш соҳаси. Давлат харидларини ўтказишни ташкил этиш механизмлари ва тартиб-таомиллари. Давлат харидлари қонунийлигини назорат қилиш. Давлат харидларини рақамлаштириш ва унинг мазмун-моҳияти. Аутсорсинг тушунчаси, мазмун-моҳияти. Аутсорсинг шартномасига қўйиладиган талаблар.

2-Мавзу. Солиқлар ва солиққа тортиш тартиблари

Ўзбекистан Республикаси солиқ қонунчилиги асослари. Солиқ муносабатлари субъектлари ва улар ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Бевосита солиқлар ва уларни ҳисоблаш тартиблари. Билвосита солиқлар ва уларни ҳисоблаш тартиблари. Ресурс солиқлари ва йиғимларни ҳисоблаш тартиблари. Солиқ тўловчилар айрим тоифаларни солиққа тортиш.

ТИНГЛОВЧИЛАР БИЛИМИИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ, БАҲОЛАШ ТАРТИБИ, ШАКЛЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ

Марказ директорининг буйруғи билан ўқув дастурининг ҳар бир модули бўйича модуль раҳбари тайинланади.

Модуль раҳбарига қуйидаги вазифалар юклатилади:

бириктирилган модуль дастурининг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлатиш чораларини кўради;

модуль дастурида белгиланган мавзулар бўйича ўқув материаллари ҳамда ўқув контентларини ишлаб чиқилишини таъминлайди;

буюртмачи ташкilotлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда ташкилий чораларни кўради ва такомиллаштириб борилишини таъминлайди;

мутахассисликка оид йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тақдим этилган материаллар асосида ҳуқуқни қўлаш амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилади ва шу асосда модуль дастурларини такомиллаштириб борилишини таъминлайди;

малака ошириш курсларининг мутахассисликка оид йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тингловчилар билан доимий алоқа ўрнатади, уларнинг таклиф ва тавсияларини ўрганади ҳамда умумлаштиради;

модуль дастурининг мавзулари бўйича онлайн маърузалар (вебинар) ташкил этиш жадвалини шакллантиради ва ташкил этилишини таъминлайди;

модуль дастури бўйича назорат топшириқларни (тестлар, назорат саволлари ва х.к.) ишлаб чиқилишини таъминлайди.

Модуль раҳбарига ўқув жараёнини ташкил этишга доир бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

Таълим олишнинг белгиланган натижаларига эришиш, номинал меҳнат ҳажми ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги ва мослигини баҳолаш мақсадида ўқув жараёнининг мониторинги ўтказилади. Мониторинг сўровнома, фокус-гурӯҳлар, интервью олиш ёки эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Ўқув жараёнининг мониторинги Марказнинг Таълим жараёни сифатини услубий таъминлаш, мониторинг қилиш ва баҳолаш бўлими томонидан ўтказилади.

Онлайн назоратлар:

Модуль дастури мавзуларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун тингловчи ҳар бир мавзу бўйича тавсия қилинган ўқув контентлари билан танишиб чиққач, ушбу мавзу юзасидан онлайн назорат тартибидан назорат тест топшириқларини бажаради.

Онлайн назоратлар ўрганилган мавзу доирасида тайёрланган тест топшириқлари асосида ташкил этилади. Бунинг учун тингловчига учун камида 10 тадан тест саволи ҳамда ҳар бир тест саволини ишлаш учун бир дақиқадан вақт берилади. Тест натижалари шу вақтнинг ўзида эълон қилинади.

Ҳар бир мавзу бўйича тавсия этилган онлайн назорат тест топшириқлари тингловчи томонидан **70 фоизга** ўзлаштирилганда унга навбатдаги мавзуларни ўзлаштиришга рухсат берилади. Онлайн назорат тест натижалари балл ҳисобида баҳоланади.

“Ўтмади”		“Ўтди”	
Балл (фоизда)	Тўғри жавоблар сони	Балл (фоизда)	Тўғри жавоблар сони
Min	Max	Min	Max
0	69	70	100
6 та ва ундан кам		7 та ва ундан кўп	

Тингловчилар томонидан топширилган назорат тест натижалари автоматик равишда масофавий таълим платформаси дастури орқали қайднома варақасида умумлаштирилади.

Мазкур модуль дастури бўйича тингловчининг билими 56 фоизга баҳоланган тақдирда ўзлаштирилган ҳисобланади ва унга белгиланган кредит бирликлари ажратилади.

“Ўтмади”		“Ўтди”	
Балл (%)		Балл (%)	
Min	Max	Min	Max
0	56	56	100

МОДУЛЬ ДАСТУРИНИ ЎРГАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

Шавкат Мирзиёев. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий-процессуал кодекси. – Т., 2019.

"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 июнь 2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-

5468-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 2 июль, 26-сон, 509-м.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3802-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 2 июль, 26-сон, 511-м.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси.Т.: "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 5618-сонли Фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 14 январь, 1-2-сон, 7-м.

Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 й. 474-I-сон "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси", 1997 йил, 9-сон, 232-модда

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Биринчи жилд. – Т.: Адолат, 2007. – 341-б.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Иккинчи жилд. – Т.: Адолат, 2007. – 362-б.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (2006–2014 йиллар). – Т., 2014. – 768-б.

Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар

А.С.Жўраев Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. / Монография. "Фан" нашриёти. 2004 й.

Ж.Р. Зайналов Солиқлар ва солиққа тортиш. –С.: Самарқанд кооператив институти, 2002. – 366 б.

Б.И.Исроилов. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.: Ўзбекистон, 2006.-272 б.

Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров. "Давлат бюджети". Ўқув қўлланма. "IQTISOD-MOLIYA" - Тошкент. ТМИ. 2007 й.

Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров. "Бюджет даромадлари ва харажатлари". Ўқув қўлланма. "IQTISOD-MOLIYA" - Тошкент. ТМИ. 2007 й.

Т.С. Маликов Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: Академия, 2002. – 204 б.

М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов. Солиқлар таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: СамИСИ, Ўз.Р.Солиқ Академияси, 2007.-100 б.

Б.Тошмуродова. Солиқ назорати.-Т.:ТМИ, 2007.-140 б.

Қ.Яҳёев Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.

Н.Ҳайдаров. "Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари". Ўқув қўлланма. "Академия". -Тошкент. 2007 й. - 214 б.

Н.Ҳайдаров. Молия. – Т.: Академия, 2001. -72 б.

Интернет сайтлари

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: <http://lex.uz>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти: www.parliament.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти: www.senate.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали: www.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайти www.ksu.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти: www.supcourt.uz

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти: www.mvd.uz

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси сайти: genprok.gov.uz

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти:
www.nhrc.uz.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман) сайти: www.ombudsman.uz

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети сайти: <http://www.nuu.uz>

Тошкент давлат юридик университети сайти: <http://www.tsul.uz>

Юристалар малакасини ошириш маркази сайти: <http://uzmarkaz.uz>